



№ 77/14 - ў

20 20 yil " 8 " sentabr

**Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Учтепа туманидаги
Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхонаси 2020 йил
II чорак давомида амалга оширган ишлари тўғрисида**

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 24-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14-майдаги “Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5718-сон Фармониға мувофиқ, Халқ депутатлари Учтепа туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Учтепа туманидаги Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхонаси мудирининг О.Миртемировнинг Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Учтепа туманидаги Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхонаси 2020 йил II чорак давомида амалга оширган ишлари юзасидан киритган ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қабулхона мудирининг мазкур ахбороти асосида тадбиркорлик субъектларининг, шу жумладан, чет эллик инвесторларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя қилинишини таъминлаш ҳамда тадбиркорликни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган муаммоли масалаларни кўриб чиқиш ва мавжуд бюрократик тўсиқларни бартараф этишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар белгилансин.

3. Сектор раҳбарлари, Учтепа туман ҳокимининг Молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари (А.Хужанов), туман ҳокимининг ўринбосари - инвестициялар ва ташқи савдо бўлими бошлиғи (О.Камилов), туман Адлия бўлими (О.Нигматов), туман ҳокимининг архитектура, капитал қурилиш ва коммуникацияларни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари (Ш.Шаакрамов), Савдо саноат палатаси туман бўлими (А.Абдуллаев) ва тижорат банклари туман филиаллари раҳбарларига:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 майдаги “Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5718-сон

Фармонида белгиланган вазифаларни, шунингдек 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга мурожаатномасида берилган топшириқларни ўз муддатларида ва тўлиқ бажарилиши;

- тадбиркорлик субъектларини ҳамда чет эллик инвесторларни қабул қилиниши, шу жумладан, жойларда тасдиқланган режа жадвалига мувофиқ; сайёр қабуллар ўтказилиши;

- тадбиркорлик субъектларининг, шу жумладан, чет эллик инвесторларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя қилинишини таъминлаши;

- тадбиркорликни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган муаммоли масалаларни кўриб чиқиш ва мавжуд бюрократик, шу жумладан, ер участкалари ва бинолар, кредитлар ажратиш, рухсат берувчи ҳужжатларни олиш масалаларидаги тўсиқларни бартараф этиши;

- тадбиркорликни ривожлантиришга ва чет эл инвестицияларини жалб этишга тўсқинлик қилаётган бюрократик тўсиқларни ва тизимли муаммоларни мониторинг қилиш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш, шунингдек, бу соҳадаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаши;

- иқтисодиёт соҳасида бюджетга қўшимча даромадларни аниқлаш, экспорт салоҳиятини юксалтириш, инвестиция муҳитини яхшилаш ва хорижий инвестицияларни жалб этиш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, фаолият кўрсатмаётган корхоналарни қайта тиклаш, кам қувват билан ишлаётган корхоналар фаолиятини жонлантириш бўйича қўшимча лойиҳаларни ишлаб чиқиш, уларни салоҳиятли инвесторларга бериш, жамоат транспортини тартибга солиш, бу борада аҳоли учун қулай шароитлар яратиш, бўш турган ёки фойдаланилмаётган бинолардан самарали фойдаланиш каби долзарб масалаларга доимий эътибор қаратилиши;

- тадбиркорларни қийнаб келаётган муаммоларни аниқлаш, уларни ҳал қилиш учун ҳар бир туманда улар билан график асосида мунтазам учрашувлар ташкил қилиниши;

- тадбиркорларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш ва иқтисодий кўникмаларини шакллантириш бўйича тизимли алоқаларни йўлга қўйиши;

- Республикада тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини тадбиркорларга етказиши;

- тадбиркорларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига даҳл қилувчи энг муҳим масалалар юзасидан жамоатчилик фикрини тизимли мониторинг қилиш ва ҳар томонлама таҳлил қилиш, ижтимоий сўровлар ўтказиши таъминлансин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Халқ депутатлари Учтепа туман Кенгашининг доимий комиссиялари зиммасига юклатилсин.

**Халқ депутатлари Учтепа туман
Кенгаши сессия раиси**



М.Арипова



№ 78/14 - II

20 20 yil " 8 " сентябрь

Мактабларни санитар талабларга мувофиқ бирламчи воситалар билан таъминлаш, дезинфекция ишларини ташкил этиш, янги ўқув йилига тайёргарлик ҳолати тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раислигида 2020 йил 28 август куни ўтқазилган видеоселектор йиғилишининг 69-сонли баёнидаги умумий ўрта таълим муассасаларида ўқув йилига тайёргарлик кўриш бўйича муҳим вазифалар ижросини таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2020 йил 29 август 01-22/1388-сонли хатидаги топшириғини бажариш мақсадида ҳамда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 24-моддаларига мувофиқ, Халқ депутатлари Учтепа туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Учтепа туман Халқ таълими бўлими мудирини Ў.Қурбановнинг ҳамда туман тиббиёт бирлашмаси бош шифокори Н.Саидоваларнинг Мактабларни санитар талабларга мувофиқ бирламчи воситалар билан таъминлаш, дезинфекция ишларини ташкил этиш, янги ўқув йилига тайёргарлик ҳолати тўғрисидаги ҳисоботлари маълумот учун қабул қилинсин;

2. Халқ депутатлари Учтепа туман Кенгаши депутатлари, кенг жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда ота-оналарнинг барча санитария-эпидемиология талабларини инобатга олган ҳолда Учтепа туманидаги умумий ўрта таълим мактабларида янги 2020/2021 ўқув йилини 2020 йил 14 сентябрь кунидан туман СЭОМ хулосасига кўра рўйхати тасдиқланган иловадаги умумий ўрта таълим мактаблари очилишига рухсат берилсин;

3. 2020/2021 ўқув йили бошланиши муносабати билан пандемия шароитида умумий ўрта таълим муассасаларида санитария-эпидемиология хизматининг асосий талаблари этиб қуйидагилар белгилансин:

- ҳар куни мактабда дарс жараёнларини бошлашдан олдин мактаб ҳудуди ва хоналарида белгиланган тартибда дезинфекцияловчи воситаларни қўллаган ҳолда умумий тозалаш ишларини ўтказиш;

- ҳар куни тиббий ёки масъул ходимлар томонидан ўқувчилар ва мактаб ходимларининг тана ҳароратини контактсиз пирометр ёрдамида ўлчаш;

- барча ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари ва қонуний вакиллари таълим муассасасига тиббий ниқобларда келишини назорат қилиш;

- дарслар махсус жиҳозланган синфларда ташкил этилиши лозим бўлган фанлар (*жисмоний тарбия, тасвирий санъат, технология фанлари ва бошқа*)дан ташқари мактабда дарс машгулотлари хонадан-хонага кўчмаган ҳолда “синф системасида” ўтказиш, яъни ҳар бир синф битта хонада масофа саклаган ҳолда жойлаштирилиши ва ўқиши;

4. Туман ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Б.Мирзаев, туман мактабгача таълим бўлими мудири Н.Хантураева ва Учтепа туман Халқ таълими бўлими мудири Ў.Қурбановга:

- мактаб очилишидан аввал санитария нормалари ва қоидаларига мувофиқ белгиланган тартибда мактаб ҳудуди ва барча хоналарни дезинфекцияловчи воситалар билан зарарсизлантириш ва контактсиз пирометр воситалари билан тўлиқ таъминлаш, шунингдек уларнинг захирасини шакллантириш чоралари кўрилсин;

- санитария-эпидемиология хизмати ходимлари томонидан санитария нормалари ва қоидаларига риоя этилмаганлиги аниқланган тақдирда ўқув жараёнларини вақтинча тўхтатиш чоралари кўрилсин;

- туманидаги умумий ўрта таълим мактаблари **ҳамда** туман мактабгача таълим муассасалари раҳбарлари лавозимига тайинланишидан олдин халқ депутатлари Учтепа туман Кенгаши доимий комиссияларида кўриб чиқилсин;

- туманидаги умумий ўрта таълим мактабларини **санитар талабларга мувофиқ бирламчи воситалар билан таъминлаш, дезинфекция ишларини ташкил этиш масаласи янги ўқув йилига тайёргарлик ҳолати юзасидан навбатдаги сессияга маълумот киритсин;**

5. Туман санитария эпидемиология осойишталик маркази (А.Хасанов)га

- тумандаги умумтаълим мактаб бино-иншоотларининг дезинфекция воситалари билан тизимли равишда ишлов берилишини таъминлансин.

- Учтепа туманида жойлашган умумтаълим мактаблари ишчи-ходимлари covid-19 инфекциясига ҳар ойда текширилсин;

6. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Халқ депутатлари Учтепа туман Кенгашининг Ижтимоий-маданий соҳани ривожлантириш, оила, хотин-қизлар ва ёшлар, нодавлат-нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорликда ишлаш масалалари бўйича доимий комиссияси (М.Арипова) зиммасига юклатилсин.

Халқ депутатлари Учтепа туман
Кенгаши сессия раиси



М.Арипова